

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСКАНДАРОВ АБДУЛЛА ИКРАМОВИЧ**

**ШИМОЛИЙ ҒАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИҚИЙ ҚАЛҚОНЛИ  
ҚАНДАЛАЛАРИ (НЕТЕРОПТЕРА:РЕНТАТОМИДАЕ) ФАУНАСИ,  
ЭКОЛОГИЯСИ ВА АҲАМИЯТИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Искандаров Абдулла Икромович**

Шимолий Ғарбий Ўзбекистон ҳақиқий қалқонли қандалалари  
(Heteroptera: Pentatomidae) фаунаси, экологияси ва аҳамияти..... 3

**Искандаров Абдулла Икромович**

Фауна, экология ва значение настоящих щитников (Heteroptera:  
Pentatomidae) Северо-Западного Узбекистана..... 21

**Iskandarov Abdulla Ikramovich**

Fauna, ecology and importance of shield bugs (Heteroptera: Pentatomidae) of  
North-western Uzbekistan..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСКАНДАРОВ АБДУЛЛА ИКРАМОВИЧ**

**ШИМОЛИЙ ҒАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИҚИЙ ҚАЛҚОНЛИ  
ҚАНДАЛАЛАРИ (НЕТЕРОПТЕРА:РЕНТАТОМИДАЕ) ФАУНАСИ,  
ЭКОЛОГИЯСИ ВА АҲАМИЯТИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2024**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/В780 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.izoology.uz](http://www.izoology.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Холматов Бахтиёр Рустамович</b> биология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Медетов Махсетбай Жапакович</b> биология фанлари доктори, профессор <b>Қўчқоров Абдивоҳид Ҳакимович</b> биология фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети</b>

Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузурдаги DSc.02/30.12.2019.В.52.01 рақамли Илмий кенгашининг 2024 йил «22» август куни соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232<sup>б</sup> - уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65; E-mail: [zoology@academy.uz](mailto:zoology@academy.uz)

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 1718-AR рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232<sup>б</sup> - уй. Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2024 йил «02» август куни тарқатилди.

(2024 йил «02» августдаги №5-рақамли реестр баённомаси)



**А.Пазилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси уринбосари, б.ф.д., профессор

**Г.С. Мирзаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.д., профессор

**А.Э. Кучбоев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё миқёсида содир бўлаётган иқлим ўзгаришлари, антропоген омилларнинг ўсиб бориши ва табиий экотизимларнинг кучли ўзлаштирилиши ҳашаротлар биохилма-хиллигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, антропоген ҳудудларнинг кенгайиши қишлоқ хўжалиги экинларида зараркунанда ҳашаротлар ва касалликларнинг таъсир кўламини кескин ортиб боришига олиб келмоқда. Шунга кўра, агробιοценозларда тарқалган ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг зарарли ва фойдали турлари биоэкологияси ҳамда ўсимликлар билан трофик алоқаларини изоҳлаш асосида зарали турларига қарши биологик ва кимёвий кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда Pentatomidae оиласига мансуб қандалаларнинг тур таркибини ўрганиш, систематикасига аниқликлар киритиш, биологик хилма-хиллигини сақлаш мақсадида муҳофаза чораларини ишлаб чиқиш ва зараркунанда турлари келтирадиган иқтисодий зарарни баҳолаш ҳамда уларга қарши экологик соф кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, қалқонли қандалаларни табиий ва сунъий экотизимларда уларнинг популяциясини баҳолаш, айрим турлари йиртқич зоофитофаг ва фитозоофаглар сифатида алоҳида тадқиқ қилиш ҳамда зарарли турлар популяцияларини бошқариш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ҳашаротларнинг тур таркибини аниқлаш ва уларни муҳофаза қилиш ҳамда биологик ва экологик хусусиятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, ҳудудлар кесимида туркумларнинг таксономик таркиби аниқланди, уларнинг камёб турлари муҳофаза остига олинди. Хусусан, 2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясида<sup>1</sup> «...биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишни таъминлаш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва кенгайтириш, табиий экологик тизимларнинг таназзулга учраш суръатларини пасайтириш, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини қайта тиклаш» вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан республикамиз ҳудудларида тарқалган ҳақиқий қалқонли қандалалар тур таркибини аниқлаш, фаунистик таҳлил қилиш, экологик хусусиятлари ва фаунасининг шаклланиш қонуниятларини очиб бериш ҳамда камёб турларининг муҳофаза қилиш усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 11 июндаги 484-сон қарори.

Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон «Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг фаунаси, систематикаси, экологияси ва трофик алоқаларини ўрганиш бўйича хорижлик олимлар: F.H. Fieber (1861), C. Stal (1872; 1876), G. Horvath (1889), J.A. Slater (1950), D. Leston (1953), E.B. Wagner (1955), F.J.D. McDonald (1966; 1979), C.W. Schaefer (1981; 1983), R. Linnavuori (1986), W.R. Dolling (1991), D.B. Thomas (1992; 1994), R.T. Schuh (1995), E. Chérot (1998), M. Khan (1999), D.A. Rider (2000; 2006; 2008), D. Ferero (2008), S. Eltez (2010), B. Aukema (2013), C. Malumphy (2015), J. Henry (2009; 2017), H. Kafer (2020) томонидан қатор изланишлар олиб борилган.

МДҲ мамлакатларида қандалалар, хусусан, ҳақиқий қалқонли қандалалар фаунаси, биологияси ва экологик хусусиятларига доир Р.Б. Асанова (1966), Б.В. Искаков (1976), В.Г. Пучков (1977;1978), И.С. Драполюк (1980), Д.Б. Чилдибаев (1985), А.М. Атакишиева (1988), В.Б. Голуб (1989), Н.Н. Муминов (1989), И.М. Кержнер (1992; 1999), Н.Н. Винокуров (1995), И.Ф. Зайцева (1997), Д.А. Гапон (2008), Е. Валерьевна (2008), П.А. Есенбекова (2013) лар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистонда мазкур соҳада И.В. Васильев (1918; 1924), В.И. Сербинов (1930); К.Н. Завадовский (1933), Е.М. Соболева (1957), М.М. Останова (1957), С.Н. Алимухаммедов (1960), Р.А. Алимджанов (1960), А.Ш. Хамраев (1992; 1993; 2000; 2005; 2011; 2012;), Д.А. Азимов (1993), А.С. Болтабаев (1995), А.Х. Қўчқоров (2007) Б.Р. Холматов (2018) Д.М. Мусаев (2020) ва Л.А. Ганджаева (2021) лар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ, ушбу тадқиқот ишлари Шимоли-ғарбий Ўзбекистон худудида ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг тур таркиби, ландшафтлар бўйича тарқалиши, зоогеографияси ҳақида тўлиқ маълумотларни бера олмайди. Шунга кўра, ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг тур таркиби ва таксономик структурасини аниқлаш, қалқонли қандалаларнинг ҳаётий шаклларини тавсифлаш, озикланиш усулига асосан турли-туманлигини очиб бериш ҳамда зарарли турларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ИТД-9-48 «Зараркунанда ҳашаротлар экологик мониторинги ва

микдорини олдиндан аниқлаш ҳамда бошқаришни замонавий тизимини ишлаб чиқиш» (2022-2024) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Шимоли-ғарбий Ўзбекистон ҳақиқий қалқонли қандалалар популяцияларининг замонавий ҳолатини баҳолаш, экологиясини асослаш ҳамда зарарли турларига қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Шимоли-ғарбий Ўзбекистон ҳақиқий қалқонли қандалаларининг тур таркибини аниқлаш;

Қандалаларнинг биоэкологияси ва ўсимликлар билан трофик алоқаларини изоҳлаш;

*Chlorochroa pinicola* (Mulsant & Rey, 1852), *Bagrada abeillei* Puton, 1881 ва *Bagrada kaufmanni* Oshanin, 1870 қандалаларнинг мт ДНК сининг COI участкасини генетик жиҳатдан тадқиқ этиш;

Шимоли-ғарбий Ўзбекистон қандалаларининг доминант гуруҳларининг ҳаётий шакллари тасвирлаб бериш;

Шимоли-ғарбий Ўзбекистон қандалаларининг зоогеографик тақсимланишини таҳлил этиш;

Ҳақиқий қалқонли қандалалар электрон базасини яратиш;

Зарарли турларига қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Шимоли-ғарбий Ўзбекистон ҳудудида тарқалган ҳақиқий қалқонли қандала турлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг фаунаси, экологик хусусиятлари, биологик хилма-хиллиги ва уларнинг зараркунанда турларини бошқаришда кимёвий препаратларнинг самарадорлиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда энтомологик, экологик, зоогеографик, молекуляр генетик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Шимоли-ғарбий Ўзбекистон ҳақиқий қалқонли қандалаларининг фаунасининг замонавий ҳолати таҳлил қилиниб, 3 кенжа оила 9 триба 21 авлодга мансуб 24 тури аниқланган;

Шимоли-ғарбий Ўзбекистон ҳудудида аниқланган ҳақиқий қалқонли қандалалардан *Chlorochroa pinicola* ва *Bagrada abeillei* турлари Ўзбекистон фаунаси учун илк бор аниқланган;

Шимоли-ғарбий Ўзбекистон ҳақиқий қалқонли қандалаларининг биоценоз ва агроценозларда тарқалган 16 оилага мансуб 37 та маданий ва бегона ўт ўсимлик турлари билан озиқланиши – трофик алоқалари очиб берилган;

Шимоли-ғарбий Ўзбекистон беда агробιοценозида ҳақиқий қалқонли қандаласининг тарқалиши ва зарари баҳоланган ҳамда уларга қарши кураш

усуллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Шимоли-ғарбий Ўзбекистон ҳақиқий қалқонли қандалаларининг фаунистик таҳлили ва уларнинг экологиясига оид маълумотлар асосида минтақада ҳақиқий қалқонли қандалаларини ҳисобга олиш, мониторингини юритиш ҳамда муҳофаза қилиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг зарали турларини беда агробиоценозларида тарқалиш ва ривожланиш даражаси аниқланган;

қишлоқ хўжалиги агроценозларида кесимида ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг тарқалиш миқдори баҳоланган;

ҳақиқий қалқонли қандалалар бўйича ахборотларни сақловчи маълумотлар базаси яратилган;

ҳақиқий қалқонли қандалаларга қарши *Багира*, 20% с.э.к., ва *Караче Дуо*, 25% н.кук. препаратларининг биологик самарадорлиги юқори экани аниқланган ва уруғли беда майдонларига зараркундалар тарқалишининг олдини олиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда классик ва замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда илмий ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал ва амалий лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, популяцион маълумотларни замонавий дастурлар асосида статистик таҳлил қилинганлиги, амалий натижаларни ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Шимоли-ғарбий Ўзбекистон худуди ҳақиқий қалқонли қандалалари фаунасини таҳлил қилинганлиги ва популяциясининг замонавий ҳолати баҳоланганлиги, янги турларнинг қайд қилинганлиги, биологик хилма-хиллигига ва ҳаёт шакллариغا асосан таксономик гуруҳларининг тавсифланганлиги, қалқонли қандалаларнинг экологик хусусиятларини очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Шимоли-ғарбий Ўзбекистон ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг ландшафтлар ва агробиоценозлар бўйича тақсимланишини изоҳланганлиги, беда ҳосил элементларига зарар келтириш механизмларини очиб берилганлиги, уруғли беда экинларида ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг зарарли турларига қарши кураш чораларини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Шимолий Ғарбий Ўзбекистон ҳақиқий қалқонли қандалалари (Heteroptera: Pentatomidae) фаунаси ва экологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳақиқий қалқонли қандалаларининг 3 кенжа оилага тегишли бўлган 10 турига мансуб 36 нусха хашарот намуналари республикада етакчи бўлган “Зоология коллекцияси” ноёб объектига топширилган (Ўзбекистон

Республикаси Фанлар академиясининг 2023 йил 28 августдаги 4/1255-1807-сон маълумотномаси). Натижада, намуналар қалқонли қандалалар фондини бойитган ва қандалалар турлари хилма-хиллигини аниқлаш ва турларини систематик таҳлил қилиш имконини берган.

молекуляр генетик тадқиқотлар натижасида Pentatomidae оиласи ҳақиқий қалқонли қандала турларининг мДНК COI қисми нуклеотидлар кетма-кетлиги бўйича маълумотлар Биотехнологик ахборотлар миллий маркази (NCBI) базасига жойлаштирилган (Биотехнологик ахборотлар миллий маркази (NCBI) нинг 2024 йил 29 апрелдаги маълумотномаси). Натижада, *Bagrada abeillei* тури учун - PP736568, *Bagrada kaufmanni* тури учун - PP726658 ва *Chlorochroa pinicola* тури учун - PP724395 идентификация рақамлари олинган бўлиб, улар халқаро миқёсда турларни аниқлаш ва филогениясини ўрганиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 9 та республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳақиқий қалқонли қандалаларни ўрганишга доир адабиётлар таҳлили**» деб номланган бўлиб, ушбу бобда, Жаҳон ва Марказий Осиёда қалқонли қандалалар фаунаси баён этилган бўлиб, унда қалқонли қандалаларнинг дастлабки ўрганилиш тарихи, бугунги кундаги тур таркиби, доминант турлар биологияси ва экологияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар ўз ифодасини топган. Podopinae ва Asopinae кенжа оилаларининг бугунги кунгача олиб борилган илмий тадқиқот натижалари тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари қишлоқ

хўжалиги экинларига зарар келтирувчи турларининг биоэкологик хусусиятлари ва уларга қарши курашда дунё миқёсида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари баён этилган.

Хусусан, қалқонли қандалалар фаунаси, тур таркиби, биоэкологик хусусиятлари, муҳофаза қилиш чоралари ва зарарли турларига қарши кураш ишлари бўйича адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган ҳолда ёритилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Шимоли-ғарбий Ўзбекистон ҳақиқий қалқонли қандалаларни ўрганиш матариаллари ва услублари”** деб номланган ва тадқиқот усуллари баён қилинган. Бунда йиғилган материал ҳажми, тадқиқот материали ва тажриба ўтказилган жой ҳамда қўлланилган услублар ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот ишлари 2020-2024 йиллар давомида Ўзбекистоннинг Шимоли-ғарбий ҳудудларида олиб борилган. Ушбу давр мобайнида тадқиқот ҳудудларининг 85 та координата нуқталаридан А.Н. Кириченко (1957) нинг қандалаларни йиғиш ва тур даражасини аниқлаш ҳамда В.Б. Голуб, М.Н. Цуриков (2012) ларнинг ҳашаротларни йиғиш, коллекция тайёрлаш ва сақлаш каби усулларидан фойдаланиб, жами личинка ва имаго босқичидаги 5800 дан ортиқ қалқонли қандалалар йиғилиб, Урганч давлат университети Табиий ва қишлоқ хўжалиги фанлари факультети Биология кафедраси ва ЎЗР ФА Зоология институти Энтомология лабораториясида таҳлил қилинди.

Молекуляр генетик тадқиқотлар Diatom DNA Prep фирмаси тўплами ёрдамида ДНК ажратиш, полимераза занжирли реакция (ПЗР) - амплификация ва агароза гелида электрофорез усуллари асосида амалга оширилган.


Диссертациядаги олинган маълумотларнинг математик статистик таҳлили «Microsoft Excel» дастури ёрдамида ва статистик ишлови Г.Ф. Лакин (1990) усули асосида амалга оширилди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Шимоли-ғарбий Ўзбекистон ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг фаунаси, таксономик таҳлили ва морфологик хусусиятлари”** деб номланиб, тўрт бўлимдан иборат. Мазкур бобнинг Ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг тур таркиби ва фаунистик таҳлили номланган биринчи бўлимида ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг тури, аниқланган жойи ва муддати, биоэкологияси, Ўзбекистонда ўрганилиши, тарқалиши ҳамда зоогеографиясига оид маълумотлар ўз ифодасини топган. Бобнинг Ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг таксономик таҳлили номли иккинчи бўлимида ҳақиқий қалқонли қандалалар систематик ҳолатига оид тадқиқот натижалари баён этилган. Тадқиқот ишлар натижасида Шимоли-ғарбий Ўзбекистоннинг табиий ва беда агроценозларида тарқалган яримқаттиққанотсимон ҳашаротларнинг Pentatomidae оиласига мансуб турларининг фаунаси таксономик таркибига кўра фаунадаги кенжа оилалар сони 3 та (Pentatominae, Podopinae ва Asopinae) 9 та трибани 21 авлодга мансуб бўлган 24 турни ташкил этади (1-жадвал).

**Шимоли-ғарбий Ўзбекистон Pentatomidae фаунасининг таксономик таркиби**

Оила	Кенжа оила	Триба	Авлод	Тур
<b>Pentatomidae</b>	<b>Pentatominae</b> (Leach, 1815)	<b>Halyini</b> (Amyot & Audinet-Serville, 1843)	<i>Apodiphus</i> Spinola, 1837	<i>Apodiphus integriceps</i> Horvath, 1888
		<b>Carpocorini</b> Mulsant & Rey, 1866	<i>Carpocoris</i> Kolenati, 1846	<i>Carpocoris fuscispinus</i> (Boheman, 1850)
				<i>Carpocoris purpureipennis</i> (DeGeer, 1773)
			<i>Brachynema</i> Mulsant & Rey, 1852	<i>Brachynema germarii</i> (Kolenati, 1846)
			<i>Palomena</i> Mulsant & Rey, 1866	<i>Palomena prasina</i> (Linnaeus, 1761)
			<i>Dolycoris</i> Mulsant & Rey, 1866	<i>Dolycoris baccarum</i> (Linnaeus, 1758)
			<i>Anthemina</i> Mulsant & Rey, 1866	<i>Anthemina lunulata</i> (Goeze, 1778)
		<b>Cappaeni</b> Atkinson, 1888	<i>Halyomorpha</i> Mayr, 1864	<i>Halyomorpha halys</i> (Stål, 1855)
		<b>Eysarcorini</b> Mulsant & Rey, 1866	<i>Eysarcoris</i> Hahn, 1834	<i>Eysarcoris ventralis</i> (Westwood, 1837)
		<b>Sciocorini</b> Amyot & Serville 1843	<i>Sciocoris</i> Fallén, 1829	<i>Sciocoris cursitans</i> (Fabricius, 1794)
		<b>Pentatomini</b> Leach, 1815	<i>Chlorochroa</i> Stål, 1872	<i>Chlorochroa pinicola</i> (Mulsant & Rey, 1852)
			<i>Aelia</i> J.C.Fabricius, 1803	<i>Aelia acuminata</i> (Linnaeus, 1758)
			<i>Neottiglossa</i> Kirby, 1837	<i>Neottiglossa leporina</i> (Herrich-Schaffer, 1830)
			<i>Acrosternum</i> Fieber, 1860	<i>Acrosternum breviceps</i> (Jakovlev, 1889)
		<b>Strachiini</b> Mulsant & Rey, 1866	<i>Eurydema</i> Laporte, 1833	<i>Eurydema ornata</i> (Linnaeus, 1758)
			<i>Bagrada</i> Stål, 1862	<i>Bagrada kaufmanni</i> Oshanin, 1870
				<i>Bagrada abeillei</i> Puton, 1881
		–	<i>Desertomenida</i> Kiritshenko, 1914	<i>Desertomenida quadrimaculata</i> (Horvatch, 1892)
	<b>Podopinae</b> Amyot & Serville, 1843	<b>Graphosomatini</b> Mulsant & Rey, 1865	<i>Graphosoma</i> Laporte, 1833	<i>Graphosoma lineatum</i> (Linnaeus, 1758)
			<i>Leprosoma</i> Baerensprung, 1859	<i>Leprosoma tuberculatum</i> (Jakovlev, 1874)
			<i>Ventocoris</i> Hahn, 1834	<i>Ventocoris fischeri</i> (Herrich-Schaeffer, 1851)
		<b>Podopini</b> Amyot & Serville, 1843	<i>Tarisa</i> Amyot & Serville, 1843	<i>Tarisa elevata</i> Reuter 1901
	<i>Tarisa subspinoso</i> (Germar 1839)			
	<b>Asopinae</b> Spinola, 1850	–	<i>Zicrona</i> Amyot and Serville, 1843	<i>Zicrona caerulea</i> (Linnaeus, 1758)
<b>Жами:</b>	<b>3</b>	<b>9</b>	<b>21</b>	<b>24</b>

Шимоли-ғарбий Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан аниқланган ҳақиқий қалқонли қандалалар оиласининг авлодлари сонининг кенжа оилалар бўйича тақсимланишига кўра энг кўпи Pentatominae кенжа оиласига мансубдир, у 16 авлодни (76,2%), Podopinae кенжа оиласига 4 авлод (19,05%) ва энг кам Asopinae кенжа оиласига мансуб бўлиб, у 1 авлодни (4,75%) ташкил этади. Шунингдек, ҳақиқий қалқонли қандалалар қандалалар оиласининг турлари миқдорининг кенжа оилалар бўйича тақсимланганида Pentatominae кенжа оиласига мансуб 18 тур (75%), Podopinae кенжа оиласи ҳам 5 тур (21%), Asopinae кенжа оиласи эса 1 турни ўзига олиб ва умумий турлар сонининг 4% ни ташкил этади (1-расм).



**1-расм. Шимоли-ғарбий Ўзбекистонда тарқалган ҳақиқий қалқонли қандала турларининг кенжа оилалар кесимида тақсимланиши.**


Тадқиқотлар натижасида Шимоли-ғарбий Ўзбекистон ҳудудларида аниқланган ҳақиқий қалқонли қандалаларининг қайд этилган 24 турдан – 12 таси яъни, Pentatominae кенжа оиласига мансуб *Carpocoris purpureipennis* (DeGeer, 1773), *Dolycoris baccarum* (Linnaeus, 1758), *Anthemina lunulata* (Goeze, 1778) *Eysarcoris ventralis* (Westwood, 1837), *Sciocoris cursitans* (Fabricius, 1794), *Neottiglossa leporina* (Herrich-Schaffer, 1830), *Acrosternum breviceps* (Jakovlev, 1889), *Bagrada kaufmanni* Oshanin, 1870, *Leprosoma tuberculatum* (Jakovlev, 1874), *Ventocoris fischeri* (Herrich-Schaeffer, 1851); Podopinae кенжа оиласига мансуб *Tarisa subspinosa* (Germar 1839); Asopinae кенжа оиласи *Zicrona caerulea* (Linnaeus, 1758) турлари тадқиқот ҳудуди учун илк бор қайд этилган бўлса, қуйидаги Pentatominae кенжа оиласига мансуб 2 тур эса *Chlorochroa pinicola* (Mulsant & Rey, 1852) ва *Bagrada abeillei* Puton, 1881 Ўзбекистон фаунаси учун илк бор қайд этилди.

Мазкур бобнинг учинчи бўлими Ҳақиқий қалқонли қандалалар оиласи турларининг морфологик хусусиятлари деб номланган. Ушбу бўлимда ҳудуд учун илк бор қайд этилган Pentatomidae оиласига мансуб бўлган 14 турдаги қандалаларнинг расмлари, мофологияси, [inaturalist.org](http://inaturalist.org) ва [gbif.org](http://gbif.org) маълумотлари асосида дунё бўйича тарқалишига доир маълумотлар баён этилган.


Ушбу бобнинг тўртинчи бўлимида *Bagrada* ва *Chlorochroa* авлодларига мансуб турларининг мт ДНК COI участкаси мансуб нуклеотидлар кетма-кетлиги аниқланди ва *B. abeillei* ва *B. kaufmanni* турлари миллий

биотехнология ахборот маркази генбанкга илк бор биз томондан жойланди ва кириш рақамлари олинди.

Молекуляр генетик тадқиқот натижаларига кўра, ўрганилган *Bagrada* авлодига мансуб турларнинг мт ДНК COI участкасига мансуб нуклеотидлар кетма-кетликлари ва ГенБанк баъзасидан олинган нуклеотидлар кетма-кетликларни таҳлилига кўра, ушбу авлод вакиллари *Eysarcoris* Hahn, 1834 авлоди турларига яқин келиб 1 та клад (гурух) ларга бирлашганлиги аниқланди (2-расм).



**2-расм. *Bagrada* авлоди қандалаларининг ўзаро эҳтимоллик (maximum likelihood-ML) методи асосида ишлаб чиқилган филогенетик шажара дарахти.**



**3-расм. *Chlorochroa* авлоди қандалаларининг ўзаро эҳтимоллик (maximum likelihood-ML) методи асосида ишлаб чиқилган филогенетик шажара дарахти.**

*Chlorochroa* авлодига мансуб турларнинг мт ДНК COI участкасига мансуб нуклеотидлар кетма-кетликлари ва ГенБанк баъзасидан олинган нуклеотидлар кетма-кетликларни таҳлилига кўра, ушбу авлод вакиллари 4 та клад (гурух) ларга бирлашганлиги аниқланди (3-расм).

Диссертациянинг «Шимоли-ғарбий Ўзбекистон ҳақиқий қалқонли қандалаларининг биоэкологик хусусиятлари» деб номланган тўртинчи боби уч бўлимдан иборат бўлиб, ҳақиқий қалқонли қандалар ҳаёт шакллари, озуқа манбаларига ихтисослашиши ва уларнинг ҳаётий циклининг асосий тавсифига бағишланган.

Ушбу бобнинг биринчи бўлимида Ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг ҳаётий шакллари келтирилган. Бунда ҳақиқий қалқонли қандалалари ҳаёт шаклига кўра 6 та асосий груҳга мансуб эканлиги ажратилди.

1. Хортобионтлар - ўт ўсимликлар қопламида яшашга мослашган турлар: *Carpocoris fuscispinus*, *C. purpureipennis*, *Brachynema germarii*, *Athemina lunulata*, *Eysarcoris ventralis*, *Aelia acuminata*, *Neottiglossa leporine*, *Eurydema ornate*, *Bagrada kaufmanni*, *B. abeillei*, *Graphosoma lineatum*, *Leprosoma tuberculatum*, *Ventocoris fischeri*, *Tarisa elevate* ва *Tarisa subspinoso* турлардан иборат бўлиб 62,5% (15 тур) ни ташкил этади.

2. Дендробионтлар-дарахт ўсимликларда яшашга мослашган турлар. Улар *Apodiphus integriceps*, *Chlorochroa pinicola*, *Acrosternum breviceps*, *Desertomenida quadrimaculata*, турларидан иборат бўлиб, 16,66% (4 тур) ни ташкил этади.

3. Хорто-тамно-дендробионт – дарахт, бута ва ўт ўсимликлар қопламида яшашга мослашган турлар. Бу гуруҳга *Zicrona caerulea* тури мансуб бўлиб, улуши умумий турлар ичида 4,17% (1 тур) га тенг.

4. Герпетобионт гуруҳга *Sciocoris cursitans* тур мансуб бўлиб, бу гуруҳ умумий турлар ичида 4,17% (1 тур) ни ташкил этади.

5. Эврихортобионт – турли биотопларда учрайдиган ўт ўсимликлар қопламида яшашга мослашган турлар: Бу *Halyomorpha halys* ва *Dolycoris baccarum* турлари мансуб бўлиб, улар умумий турлар ичида 8,33% (2 тур) ни ташкил этади.

6. Дендро-тамнобионт - дарахт ва бутазорларда яшашга мослашган турлар. Бу гуруҳга *Palomena prasina* тури мансуб бўлиб, улуши умумий турлар ичида 4,17% (1 тур) га тенг.

Ҳақиқий қалқонли қандалалар оиласининг аксарият турлари фитофил (ўт ўсимликлар қопламида яшовчи) бўлгани учун ҳаёт шаклига кўра ўсимликхўр хортобионтлар ҳисобланади. Шунга асосан олиб борилган тадқиқотларимизда аниқланган 24 тур қалқонли қандалаларнинг 62,5% (15 тур) ни хортобионтлар ташкил этди (2 -жадвал).

## 2 -жадвал

### Шимоли-ғарбий Ўзбекистонда тарқалган ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг ҳаёт шакллари

№	Қандалаларнинг ҳаёт шакли	Тур сони	%
1.	Хортобионтлар	15	62,5
2.	Дендробионтлар	4	16,66
3.	Дендро-тамнобионт	1	4,17
4.	Хорто-тамно-дендробионт	1	4,17
5.	Герпетобионт	1	4,17
6.	Эврихортобионт	2	8,33
<b>Жами:</b>		<b>24</b>	<b>100</b>

Бобнинг иккинчи бўлимида ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг озуқа манбаларига ихтисослашиши келтирилиб, олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, озуқага ихтисослашиш кенглигига қараб таҳлил қилганимизда улар асосан иккита гуруҳга мансублиги аниқланди.

1. Фитофаглар – фақат ўсимликлар билан озуқланувчи турлар 23 тани ташкил этиб, улар ўз навбатида 2 гуруҳга ажратилди.

а) Полифаглар – бир ва икки уруғпаллали ўсимликлар синфининг бир неча оилаларига мансуб ўсимликлар билан озиқланадиган турлар 11 турни ташкил этди.

б) Олигофаглар-маълум бир оилаларга мансуб ўсимликлар билан озиқланадиган турлар 12 турни ташкил этиб, улар ўз навбатида кенг (9 тур) ва тор доирадаги олигофаглар (3 тур) га ажратилди.

2. Зоофитофаглар-асосан ҳашоротлар шунингдек ўсимлик билан ҳам озиқланадиган турлар 1 тани ташкил этди (3-жадвал).

**Шимоли-ғарбий Ўзбекистонда тарқалган ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг озуқа манбалари билан трофик алоқалари**

Озиқланиш гуруҳи		Турлар
Зоофитофаглар		<i>Zicrona caerulea</i> .
Фитофаг	Полифаглар	<i>Apodiphus integriceps</i> , <i>Carpocoris fuscispinus</i> , <i>Carpocoris purpureipennis</i> , <i>Brachynema germarii</i> , <i>Palomena prasina</i> , <i>Dolycoris baccarum</i> , <i>Anthemina lunulata</i> , <i>Halyomorpha halys</i> , <i>Sciocoris cursitans</i> , <i>Acrosternum breviceps</i> , <i>Desertomenida quadrimaculata</i> .
	Кенг олигофаглар	<i>Eysarcoris ventralis</i> , <i>Aelia acuminata</i> , <i>Neottiglossa leporina</i> , <i>Eurydema ornata</i> , <i>Bagrada kaufmanni</i> , <i>Bagrada abeillei</i> , <i>Graphosoma lineatum</i> , <i>Ventocoris fischeri</i> , <i>Tarisa subspinoso</i> .
	Топ олигофаглар	<i>Chlorochroa pinicola</i> , <i>Leprosoma tuberculatum</i> , <i>Tarisa elevate</i> .
<b>Жами:</b>		<b>24</b>


Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики тадқиқотлар олиб борилган ҳудудлардан аниқланган 24 тур ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг озиқланишига кўра энг кам тарқалган зоофитофаг 1 та тур (4,17%), 11 та тур полифаглар (45,83%) ва энг кўп тарқалган олигофаглар 12 та тур (50,0%) экани маълум бўлди.

Бобнинг учинчи бўлими Ҳақиқий қалқонли қандалалар ҳаётий циклининг асосий тавсифи деб номланган. Фенологик кузатувлар таҳлили шуни кўрсатдики, Шимоли-ғарбий Ўзбекистонда ҳақиқий қалқонли қандалалар фаунасининг ривожланиш циклини қуйидаги 3 та асосий гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Моноволтин турлар – бир йилда бир марта насл берадиган турлар. Буларга *Apodiphus integriceps*, *Carpocoris fuscispinus*, *C. purpureipennis*, *Palomena prasina*, *Dolycoris baccarum*, *Anthemina lunulata*, *Sciocoris cursitans*, *Chlorochroa pinicola*, *Aelia acuminata*, *Neottiglossa leporina*, *Acrosternum breviceps*, *Bagrada kaufmanni*, *B. abeillei*, *Desertomenida quadrimaculata*, *Graphosoma lineatum*, *Leprosoma tuberculatum*, *Ventocoris fischeri*, *Tarisa elevata*, *T. subspinoso* ва *Zicrona caerulea* турлари мансуб. Улар 20 турдан иборат бўлиб, умумий турлар ичида 83,3% ни ташкил этади.

2. Биволтин турлар – бир йилда икки марта насл берадиган турлар. Буларга *Brachynema germarii*, *Eysarcoris ventralis* ва *Eurydema ornata* турлари мансуб. Улар 3 турдан иборат бўлиб, умумий турлар ичида 12,5% ни ташкил этади

3. Поливолтин – бир йилда 3 ва ундан кўп насл берадиган турлар. Буларга *Halyomorpha halys* турлари мансуб. Улар 1 турдан иборат бўлиб, умумий турлар ичида 4,2% ни ташкил этади (4-расм).



#### 4-расм. Ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг фенологик ҳаёт цикллари.

Ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг ҳаёт цикли ҳам бошқа кўплаб ҳашаротлар каби бевосита ҳароратга боғлиқ ҳолда амалга ошади. Баҳор ойининг ҳаддан зиёд сернам келиши ёки кузда ҳароратнинг эрта пасайиши айрим қандала турларининг (*Halyomorpha halys*) поливольтин циклдан биволтинга ўтиши ёки аксинча баҳор ойининг илиқ келиши билан ҳароратнинг қандалалар қишки тиним давридан эрта чиқиб ривожланиши учун максимал шароит вужудга келган йилларда авлодлар сони ортиши кузатилади.


**Ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг қишки тиним даврини (дианауза) ўтказиш шакллари.** Аксарият ҳашаротлар каби қандалалар ҳам яшаши учун ноқулай шароит вужудга келган даврда дианауза (тиним ҳолат) ҳолатига ўтади. Дианауза организмдаги озика моддаларини тежамкорлик билан сарфлаб, узок муддат ноқулай шароитдан яшаб чиқишга имкон яратади. Бу даврда уларнинг ўсиши ва ривожланиши тўхтайдди. Қандалалар чала ўзгариш билан ривожланадиган ҳашаротлар бўлган учун уларда дианауза ҳолати асосан тухум ва вояга етган (имаго) шаклда ўтади.

Диссертациянинг “**Ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг географик тарқалиши ва зарарли турларига қарши кураш чоралари**” деб номланган бешинчи боби 3 бўлимдан иборат. Бобнинг биринчи бўлимида Шимоли-ғарбий Ўзбекистон ҳудудидан аниқланган ҳақиқий қалқонли қандала турларининг 7 тип (Космополит, Голарктик, Транспалеарктик, Суператланттик, Суператланттик-эвриконтинентал, Ғарбийпалеарктик ва Эндемик) 11 та гуруҳга мансублиги аниқланди. Бунда қандалаларнинг энг кўпи Транспалеарктик типга мансуб бўлиб, бу тип ўз навбатида 3 та ареал бўйича тақсимланиши ўрганилди.

1. Бореал-суббореал ареалига *Carpocoris purpureipennis*, *Eysarcoris ventralis* каби 2 тур;
2. Суббореал-субтропик ареалига *Palomena prasina*, *Neottiglossa leporina*, *Acrosternum breviceps*, *Eurydema ornata* ва *Tarisa subspinosa* каби 5 тур;
3. Бореалний-субтропик ареалига *Chlorochroa pinicola* каби 1 жами 8 тур (33,3%) мансублиги аниқланди.

Шунингдек турлар сони кўплиги бўйича кейинги ўринда Ғарбийпалеарктик типининг жанубий ареалига яъни, Қадимги ўрта ер, Эрон-

Турон ҳамда Ўрта Осий минтақаларига ҳос турлар мансуб экани маълум бўлди. Бу минтақаларда *Bagrada abeillei*, *B. kaufmanni*, *Leprosoma tuberculatum*, *Ventocoris fischeri* ва *Tarisa elevata* каби Ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг 5 тур (20,8%) тарқалгани аниқланди (5-расм).



**5-расм. Шимоли-ғарбий Ўзбекистон ҳақиқий қалқонли қандалаларининг турли ареологик типлар бўйича тақсимланиши.**

Аниқланган қандалалар орасида битта Жигарранг мармарсимон қандала *Halyomorpha halys* тури зоогеографик тарқалиши бўйича космоплит тип бўлиб, Голарктика, Индо-Малай, Неотропик ва Эфиопия худудларида ҳам учрайди.

Ҳақиқий қалқонли қандалалар орасида *Desertomenida quadrimaculata* Ўрта Осиё эндемиги бўлиб, Ўзбекистондан ташқари Тожикистон, Туркменистон ва Қозоғистоннинг Жунгария каби чўл худудларида тарқалган (Пучков, 1965).

Мазкур бобнинг иккинчи бўлимида “Ўзбекистон яримқаттиққанотли (Hemiptera: Heteroptera) ҳашаротлари маълумотлар базаси” маълумотлар базасида Шимоли-ғарбий Ўзбекистон Pentatomidae ҳақиқий қалқонли қандалалари тўғрисида маълумотлар киритилган. Мазкур электрон базада, ҳар бир ҳашарот таксонининг таснифи, аҳамияти, тарқалиш ареали, ҳаётий шакли, идентификация тартиб рақами, турларнинг фотосуратлари тўғрисида маълумотлар мавжуд. Маълумотлар базаси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан муаллифлик гувоҳномаси олинди (№ ВГУ 00738).

Ушбу бобнинг учинчи бўлимида Pentatomidae оиласи қандалаларининг зарарли турларига қарши курашда кимёвий усулнинг самарадорлиги ўрганилди. Хоразм вилояти беда агробиоценозларида учраган Pentatomidae оиласига мансуб *Dolycoris baccarum*, *Eurydema ornata*, *Aelia acuminata*, *Halyomorpha halys* ва *Eysarcoris ventralis* каби қандала турларига қарши кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлигини ўрганиш бўйича тажрибалар олиб борилди. Шунинг учун биз тадқиқотларимизда ҳақиқий қалқонли қандалаларга қарши неоникотиноид синфига мансуб бўлган Багира, 20% эм.к., Энтолучо, 20% сус.к., (таъсир этувчи моддаси имидоклаприд) Караче Дуо, 25% н.кук. (таъсир этувчи моддаси лямбдацига-лотрин+ ацетамиприд), Алтын, 1,8% эм.к. (таъсир этувчи моддаси абамектин) ва

Плюс, 10% эм.к. (таъсир этувчи моддаси эмаектин бензоат) каби кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги ўрганилди.

Инсектицидларнинг биологик самарадорлиги дала шароитида аниқлаш учун илмий тадқиқотларни Хоразм вилояти Боғот туманидаги “Мадаминбек набираси Камолиддинбек”, Қўшқўпир туманидаги “Пиржон ота” фермер хўжаликлари ва Хива туманида жойлашган Маъмун академиясининг экспериментал тадқиқотлар базасидаги жами 3 та уруғлик беда агробιοεεозларида олиб борилди.

Кимёвий воситаларнинг самарадорлигини аниқлашда дастлаб белгилаб олинган ҳар бир беда майдонининг 0,1 гектарида тарқалган юқорида қайд этиб ўтилган ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг энтомологик сачокнинг 25 жуфт ҳаракатида қайд этилган сони ҳисоб қилиниб олинди. Самарадорлик Аббот формуласи асосида кимёвий ишловдан 3, 5, 7 кун ўтиб ҳисоб қилинди (4-жадвал).

4-жадвал

### Ҳақиқий қалқонли қандалаларга қарши инсектицидларнинг биологик самарадорлиги

Дала тажрибаси, Хоразм вилояти, Моторли қўл пуркагич. 14.05-15.06.2023 й.

Вариантлар	Таъсир этувчи моддаси	Дори сарфи, кг, л/га	Сачокнинг 50 та ҳаракатида қандаланинг ўртача сони, дона				Биологик самарадорлик, %		
			Ишлов-гача	Ишловдан сўнг, кунлар бўйича			3	5	7
				3	5	7			
Энтолуcho, 20% эм.к.	<i>имидаклоприд</i>	0,25	7,6	0,9	2,8	5,2	88,8	74,1	68,5
Алтын, 1,8% эм.к.	<i>абамектин</i>	0,3	7,2	6,3	8,0	10,4	17,2	21,9	33,5
Багира, 20% с.э.к.	<i>имидаклоприд</i>	0,25	14,0	1,6	5,0	7,8	89,2	74,9	74,3
Караче Дуо, 25% н.кук.	<i>лямбдацигалотрин+ ацетамиприд</i>	0,2	34,6	3,0	7,3	17,4	91,8	85,1	76,8
Плюс, 10% эм.к.	<i>эмаектин бензоат</i>	0,35	4,0	3,0	3,6	4,0	29,0	36,7	53,9
Назорат	-	-	5,2	5,5	7,4	11,3	-	-	-

Жадвалдан кўриниб турганидек таъсир этувчи моддаси имидаклоприд Энтолуcho, 20% эм.к. ва Багира, 20% эм.к. ларнинг 0,25 л/га сарф меъёрда қўлланилганда ишловдан бир кун ўтиб самарадорлик 88,8-89,2% қолган кунларда ҳам 70% дан юқори, таъсир этувчи моддаси *лямбдацигалотрин ацетамиприд* бўлган Караче Дуо, 25% н.кук. препаратининг 0,2 кг сарф меъёрда қўлланилишида ишловдан сўнг бир кун ўтиб 91,8% , 3 кундан кейин 85,1%, 7 кундан кейин ҳам 75% дан юқори биологик самарадорликка эга бўлиши кўзатилди. Зараркунандалардан ўргимчаккана ва кўсак қуртига қарши ихтисослашган таъсир этувчи моддаси абамектин бўлган Алтын, 1,8%

эм.к. ва таъсир этувчи моддаси эмомектин бензоат бўлган Плюс, 10% эм.к. препаратларининг самарадорлиги ишловдан кейин барча кунлари қоникарсиз самара бериши кузатилди.

## ХУЛОСАЛАР

“Шимоли-ғарбий Ўзбекистон ҳақиқий қалқонли қандалалари (Heteroptera:Pentatomidae) фаунаси, экологияси ва аҳамияти” мавзусидаги биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Шимоли-ғарбий Ўзбекистоннинг ҳақиқий қалқонли қандалалар оиласига 3 кенжа оила 9 триба 21 авлодга мансуб 24 турдан иборат бўлган таксономик таркиби илк бор келтирилган.

2. Шимоли-ғарбий Ўзбекистон ҳудудида аниқланган ҳақиқий қалқонли қандалалардан, *Chlorochroa pinicola* (Mulsant & Rey, 1852) ва *Bagrada abeillei* Puton, 1881 турлари Ўзбекистон фаунаси учун ҳамда 14 тур тадқиқот ҳудуди учун учун биринчи бор қайд этилди.

3. Турларнинг кенжа оилалар кесимида тақсимланишига кўра, Pentatominae 18 тур (жами турларнинг 75%), Podopinae 5 тур (21%) ва Asopinae кенжа оиласининг тур таркиби бўйича хилма-хилликнинг пастлиги 1 тур (4%) билан ажралиб туради.

4. Ҳақиқий қалқонли қандалалар оиласига мансуб *B. abeillei*, *B. kaufmanni* турлари митохондриял ДНК сининг COI участкаси нуклеотидлар кетма-кетлиги аниқланди ва Миллий биотехнология ахборот маркази (NCBI) генбанкига илк бор жойлаштирилди.

5. Ҳақиқий қалқонли қандалалар ҳаёт шаклига кўра, 15 тури (62,5 %) Хортобионтларга, 4 тури (16,7%) Дендробионтларга, 1 тури (4,2%) Дендротамнобионтларга, 1 тури (4,2%) Хорто-тамно-дендробионтларга, 1 тури (4,2%) Герпетобионтларга, 2 тури (8,3%) Эврихортобионтларнинг вакили саналади, шунингдек фенологик хусусиятларига кўра уларнинг 20 тури (83%) моноволтин, 3 тури (13%) биволтин ва 1 тури (4%) поливолтин гуруҳларига мансубдир.

6. Озиқланиш ихтисослиги бўйича ҳақиқий қалқонли қандалалардан 1 тури (4,2%) зоофаг, 12 тур (50%) олигофаг ва 11 тур (45,9%) полифагларни ташкил этади.

7. Аниқланган 24 тур ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг биоценозларда тарқалган 16 оиланинг 37 та маданий ва бегона ўт ўсимлик турлари билан озиқланиши (трофик алоқалари) таҳлил этилиб, қишлоқ хўжалиги агроценозларида 17 тур, хусусан, бошоқли экинларда 12 тур (70,6%), дуккакли экинларда уларнинг 9 тури (52,95%), бўғдойда 6 тур (35,3% ), карамда 4 тури (23,53%), Укроп ва бедада 3 тури (17,65%), помидор ва олмада 2 тури (11,76%), ғўза ва лавлаги экинида 1 тури (5,88%) тури тарқалганлиги аниқланган.

8. Шимоли-ғарбий Ўзбекистон ҳақиқий қалқонли қандалалари бўйича ахборотларни сақловчи, қидирувчи ва ҳисоботларни тайёрловчи

функцияларни жамлаган “Ўзбекистон яримқаттиққанотли (Hemiptera: Heteroptera) ҳашаротлари” маълумотлар базаси яратилган.

9. Беда агроценозларида ҳақиқий қалқонли қандалаларнинг ҳосил элементларига етказадиган зарарини олдини олиш мақсадида уларга қарши *Багира*, 20% с.э.к., ва *Караче Дуо*, 25% н.кук. кимёвий препаратларини 0,2-0,25 л/га сарф меъёрида қўллаш тавсия этилди. Ишлов берилгандан сўнг 7-кунни 74,3% ва 76,8% биологик самарадорликка эришиш имконини берган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ**  

---

**УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ИСКАНДАРОВ АБДУЛЛА ИКРАМОВИЧ**

**ФАУНА, ЭКОЛОГИЯ И ЗНАЧЕНИЕ НАСТОЯЩИХ ЩИТНИКОВ  
(НЕТЕРОПТЕРА: РЕНТАТОМИДАЕ) СЕВЕРО – ЗАПАДНОГО  
УЗБЕКИСТАНА**

**03.00.06 - Зоология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2024**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2022.3.PhD/B780.

Диссертационная работа выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.izooology.uz](http://www.izooology.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Холматов Бахтиёр Рустамович</b> доктор биологических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Медетов Махсетбай Жапакович</b> доктор биологических наук, профессор <b>Кучкаров Абдивохид Хакимович</b> кандидат биологических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами</b>

Защита диссертации состоится «22» августа 2024 г. в 15<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.B.52.01 при Институте Зоологии. Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232<sup>б</sup>. Зал заседаний Институт зоологии. Тел: (+99871) 289-04-65, факс: (+99871) 289-10-60, E-mail: [zoology@academy.uz](mailto:zoology@academy.uz).

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института зоологии (зарегистрирован за № 1718-AR). Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232<sup>б</sup>. Институт зоологии. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60.

Автореферат диссертации разослан «02» августа 2024 года.

(реестр протокола № 5 от «02» августа 2024 года)



**А. Пазиров**

Заместитель председателя Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.б.н., профессор

**Г.С. Мирзаева**

Учёный секретарь Научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.б.н., профессор

**А.Э.Кучбоев**

Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению учёных  
степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день происходящие в мире глобальные климатические изменения, усиление антропогенных факторов, сильное освоение экосистем негативно сказываются на биоразнообразии насекомых. Особенно, расширение антропогенных территорий приводит к усилению воздействия различных вредителей и болезней на сельскохозяйственные культуры. Поэтому, разработка мероприятий по биологической и химической борьбе против клопов на основе биоэкологии полезных и вредоносных видов настоящих клопов, распространённых в агроценозах, и характеристики их трофических связей с растениями, имеет важное значение.

В мире ведутся научные исследования по изучению видового состава клопов семейства Pentatomidae, внесению уточнений в их систематику, разработке охранных мер с целью сохранения их биоразнообразия, оценке экономического ущерба, наносимого вредоносными представителями, и разработке экологически чистых мер по борьбе с ними. В связи с этим, в частности, уделяется особое внимание оценке популяции щитников в естественных и искусственных экосистемах, исследованию отдельных видов в качестве хищных зоофитофагов и фитозоофагов, а также усовершенствованию мер по управлению популяций вредоносных видов.

В нашей республике уделяется особое внимание определению видового состава насекомых и их охране, изучению их биологических и экологических особенностей. В связи с этим, в частности, был определен таксономический состав видов в разрезе регионов, редкие виды были взяты под охрану. В частности, в стратегии сохранения биоразнообразия в Республике Узбекистан в период 2019-2028 годов определены задачи "... по сохранению биоразнообразия и обеспечению их рационального использования, развитию и расширению охраняемых природных территорий, снижению темпов деградации естественных экологических систем, восстановлению редких и исчезающих видов животных и растений". Исходя из этих задач, в частности, определение видового состава настоящих щитников, распространённых на территории нашей республики, проведение их фаунистического анализа, раскрытие экологических особенностей и формирования их фауны, разработка методов сохранения редких видов, имеет важное научное и практическое значение.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит решению задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №914 «О ведении государственного учета, учета объемов использования и государственного кадастра объектов животного и растительного мира» от 7 ноября 2018 года, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики:** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Проведены ряд исследований по изучению фауны, систематики, экологии и трофических связей настоящих щитников, такими зарубежными учеными как F.H. Fieber (1861), C. Stal (1872; 1876), G. Horvath (1889), G. Slater (1950), D. Leston (1953), E.B. Wagner (1955), Wagner (1959), F.J.D. McDonald (1966; 1979), C.W. Schaefer (1981; 1983), R. Linnavuori (1986), W.R. Dolling (1991), D.B. Thomas (1992; 1994), R.T. Schuh (1995), E. Chérot (1998), M. Khan (1999), D.A. Rider (2000; 2006; 2008), D. Ferero (2008), S. Eltez (2010), B. Aukema (2013), C. Malumphy (2015), J. Henry (2009; 2017), H. Kafer (2020).

